

Конституция - баҳт қомуси

Жорий йилнинг 7 - декабрь куни “Ер ресурсларини бошқариш” факультетида эрта тонгдан ҳар бир гурухнинг Ёшлар иттифоқи етакчилари дарвоза ёнида қатор бўлиб саф тортишди. Сабаби эртага 8 декабрь Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган куни. Шу муносабати билан ҳар бир гурух етакчилари маҳсус нишонлар тайёрлаб, профессор ўқитувчилар ва талабаларга байрам кайфиятини улашди. Шундан сўнг факультетнинг маъruzалар залида Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни, олий қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг 26 йиллик муносабати билан факультетимизнинг иқтидорли талабалари ўртасида “Сиз қонунни биласизми” шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир жуда қизиқарли тарзда ўтди. Унда иштирок этган талабаларни факультет декани З. Муқимов томонидан фахрий ёрликлар топширилди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов